O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI · O'ZBEKISTON

# O'ZBEKISTON OVOZI

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI!

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2010-yil • 30-mart • Seshanba • 39 (30.159) • (Tel. Faks) 233-12-56 • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz www.uzbekistonovozi.uz

Мамлакатимиз фуқароларига ўз даромадларини кўпайтириш учун барча имкониятлар яратилган. Ҳозирги кунда фуқаролар асосий иш жойидан ташқари қўшимча манбалардан ҳам даромад олиши мумкин. Бундай даромад манбалари эгалари ҳар йили 1 апрелгача доимий яшаш жойидаги солиқ органига декларация топшириши лозим.

Қонун ва ижро

## Декларация топширишни унутмадингизми?

— Декларация ўриндошлик йўли билан, фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномалар бўйича бир марталик ишлар ва хизматларни бажариш, кўчмас ва кўчар мулкни ижарага бериш орқали олинган ва шу каби бошқа даромадлар юзасидан топширилади, — дейди Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортиш бўлими бошлиғи Хушнуд Жуманиёзов. — Бундай декларация асосида йиллик умумий даромад бўйича ҳисоблаб чиқилган даромад солиғи 1 июнгача бюджетга тўланиши зарур. Агар декларация асосида қўшимча ҳисобланган солиқлар ўз муддатида тўланмаган бўлса, кечиктирилган ҳар бир кун учун 0,05 фоиз миқдорида пеня тўланади.

Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунига асосан амалдаги Солиқ кодексига қўшимча ва ўзгартишлар киритилди. Хусусан, Солиқ кодексининг 189-моддасида келтирилган декларация асосида солиқ солинадиган даромадлар таркиби кенгайтирилди. Унга асосан мулкий даромадлар (агар бу даромадларга тўлов манбаида солиқ солинмаган бўлса), фан, адабиёт ва санъат асарларини яратганлик ҳамда улардан фойдаланганлик учун муаллифлик ҳақи тариқасида олинган даромадлар, асосий бўлмаган иш жойидан олинган моддий наф тарзидаги даромадлар, икки ёки ундан кўп манбадан олинган солиқ солинадиган даромадлар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқаридаги манбалардан олинган даромадлар декларация асосида солиққа тортилиши белгилаб қўйилди.

Шунингдек, жисмоний шахснинг жами йиллик даромади тўғрисидаги декларациясига асосий иш жойи бўйича тўланган даромад солиғи суммалари тўғрисида Давлат солиқ қўмитаси ва Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган шаклдаги маълумотнома илова қилиниши лозим. Бундан ташқари, эндиликда солиқ тўловчи томонидан даромадлар тўғрисида декларация тақдим этилмаса, давлат солиқ хизмати органи ўзидаги мавжуд маълумотлар асосида тўланиши лозим бўлган солиқ суммасини энг юқори ставка бўйича ҳисоблаши ва солиқ тўловчига ушбу солиқ суммаси тўғрисида билдиришнома топширишга ҳақли.

Қўшимча даромад олаётганлар даромад солиғини энг юқори ставкалар бўйича тўлаган бўлса, декларация топширмаслиги мумкин. Бунинг учун шу корхонанинг бухгалтериясига даромад солиғини энг юқори ставка бўйича ушлаб қолишни сўраб ариза берилади.

Даромадлар тўғрисида декларацияни ўз вақтида тақдим этмаслик Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 174-моддаси 3-қисмига кўра маъмурий жавобгарликка — энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**Норгул АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири**

ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти конференцияларида



## Интилмаган одамнинг орзулари *амалга ошмайди*

Кўринишидан ғайратли, билимга чанқоқ йигитнинг бу гапи эътиборимни тортди. У бир гуруҳ тенгдоши билан нима ҳақдадир баҳслашаётган эди. Мен ҳам уларнинг сафига қўшилдим. Улар билан танишдим. Юз-кўзларидан нур порлаб турган бу йигит-қизлар ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши «Истиқбол» ёшлар қанотининг III конференциясига йиғилишган экан. Анжуман бошлангунга қадар ўзаро фикр алмашаётган экан.

*— Масалан, сиз келажакда депутат бўламан, дедингиз. Хўш, бунинг учун нима қилаяпсиз, қандай тайёргарлик кўряпсиз? — деб сўраган ҳалиги йигит ЎзХДП Бекобод шаҳар кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти раиси Раҳмонжон Раҳмонов экан.*

*Олмалиқ шаҳридан келган партиямизнинг ёш фаоли Гўзал Жўраева унинг саволига жавобан:*

*— Мен ҳали ёшман. Тайёргарликка эса вақт бор, — деди.*

*— Мен шуни айтяпман-да, — деди Раҳмонжон ҳаяжони янада ортиб. — Биз кўпинча орзу қиламизу, лекин унинг ўз-ўзидан амалга ошишини кутиб яшаймиз. Бунақада ҳеч нарсага эриша олмаймиз.*



2-бет >>

ОАВ жамият ҳаётига таъсир этувчи қудратли куч
*бу соҳадаги масалаларга жиддий ёндашилмаса, оғир оқибатларга дуч келиш мумкин* > 2

Баркамол авлод > 3
*маърифат масканларида улғаяди*



Ватан ҳимояси — олий шараф > 4



*Демократияни ҳаракатлантирадиган, уни амалга оширадиган ва ривожлантирадиган куч — инсондир. Демократия фақат халқ ҳокимияти бўлиб қолмай, у ҳар бир инсон, ҳар бир жамоа ва бутун халқнинг ўз мамлакати келажаги, ўз тақдири олдидаги масъулияти ҳамдир».*

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2010 йил 30 мартдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1410,76 | 1 Польша злотийси | 536,42 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2532,69 | 1 СДР | 2351,98 |
| 1 Дания кронаси | 280,68 | 1 Туркия лираси | 1014,50 |
| 1 БАА дирҳами | 423,02 | 1 Швейцария франки | 1455,59 |
| 1 АҚШ доллари | 1553,70 | 1 Евро | 2276,17 |
| 1 Миср фунти | 282,70 | 10 Жанубий Корея вони | 13,68 |
| 1 Исландия кронаси | 12,09 | 10 Япония иенаси | 167,61 |
| 1 Канада доллари | 1517,43 | 1 Россия рубли | 52,64 |
| 1 Хитой юани | 227,59 | 1 Украина гривнаси | 195,90 |
| 1 Малайзия ринггити | 473,54 | | |

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

1 САВОЛГА 1 ЖАВОБ



**Эрдош АҲАДОВ,**
***халқ депутатлари Пайариқ туман Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи раҳбари:***

***Электоратни ташвишлантираётган муаммоларни ўрганиш ва уларни ижобий ҳал этишда БПТнинг ўрни қандай бўлиши керак?***

— Партиямиз электорати манфаатларини таъминлаш юзасидан амалий ишларни кучайтиришга қаратилган муҳим қадамларимиздан бири — партия кенгашлари қошида Жамоатчилик қабулхоналарининг ташкил этилганидир. Бу тузилма орқали партия ташкилотлари ва электорат ўртасида яқин мулоқот ўрнатилди. Жойлардаги муаммоларни аниқлаш, долзарб ижтимоий масалаларни ўрганиш ва таҳлил қилишнинг қўшимча имконияти пайдо бўлди.

Айниқса, йирик бошланғич ташкилотлар, маҳаллаларда кўчма қабулларни ташкил этиш йўлга қўйилаётгани олис ҳудудларда яшаётган, айрим муаммолар юзасидан қаерга мурожаат қилишни билмай юрган фуқароларга жуда маъқул тушмоқда. Энди йирик бошланғич ташкилотлар қошида Жамоатчилик қабулларини ташкил этишни йўлга қўйишимиз лозим.

Партиямиз фаоллари, ЎзХДПдан сайланган турли даражадаги депутатларнинг бошланғич ташкилотларда бўлиши электоратни ташвишга солаётган муаммоларни ўрганиш ва уларнинг ечимини топишда муҳим аҳамиятга эга. Бу халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳларимиз учун сессиялар кун тартибига турли масалаларни киритишга асос бўлади. Демак, бу ерда бошланғич ташкилотларимиз ташаббусни ўз қўлларига олишлари, партия кенгашлари бу ишда уларга тегишли кўмак беришлари зарур.

Сўз — ЎзХДП фракцияси аъзоларига

## Депутатлик гуруҳи ва партия ташкилоти

*ҳамкорлиги дастурий мақсадларни рўёбга чиқаришда муҳим омил*

2-бет

30 март об-ҳавоси

Дунё бўйлаб



| | | |
|---|---|---|
| Лондон | — | 11°c |
| Париж | — | 18°c |
| Москва | — | 7°c |
| Мадрид | — | 16°c |
| Пекин | — | 13°c |
| Гонгконг | — | 22°c |
| Рим | — | 17°c |
| Анқара | — | 11°c |
| Токио | — | 10°c |
| Стокгольм | — | 7°c |
| Кейптаун | — | 24°c |
| Қоҳира | — | 24°c |
| Гавана | — | 26°c |
| Вашингтон | — | 14°c |
| Нью йорк | — | 12°c |



Юртимизда

| | | |
|---|---|---|
| Тошкент | — | 18°c |
| Самарқанд | — | 20°c |
| Нукус | — | 18°c |
| Қарши | — | 23°c |
| Урганч | — | 18°c |
| Навоий | — | 20°c |
| Фарғона | — | 18°c |
| Бухоро | — | 20°c |
| Андижон | — | 18°c |
| Наманган | — | 18°c |
| Термиз | — | 23°c |
| Жиззах | — | 20°c |
| Сирдарё | — | 20°c |
| Тошкент вил. | — | 20°c |

ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти конференцияларида

# Интилмаган одамнинг орзулари амалга ошмайди

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Эзгу тилагимиз рўёбга чиқиши учун тинмай ҳаракат қилиш, ҳали вақт бор, ёшман, деб кутиб ўтирмасдан, изланиш, жиддий тайёргарлик кўриш керак. Акс ҳолда, ҳаммаси орзулигича қолиб кетаверади. Мен конференцияда сўз олиб, шу ҳақда фикр билдирмоқчиман.

Конференция бошланди. Вилоятнинг барча туман, шаҳарларидан ташриф буюрган ёш етакчи ва фаоллар «Истиқбол»нинг ўтган икки йиллик фаолиятини муҳокама қилишди. Олдинда турган муҳим вазифалар, асосий йўналишлар ҳақида фикр алмашишди.

— Зиммамизга жуда катта вазифани олганмиз, — деди вилоят партия кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти раиси Алишер Қандолатов. — Шундан келиб чиқиб, ўтган даврда биз қатор ишларни амалга оширдик. Тенгдошларимиз орасига кириб боришга, улар билан ишлашнинг янги усулларидан фойдаланишга ҳаракат қилаяпмиз. Бироқ очиғини айтиш керак, фаолиятимиз бугунги кун талабига жавоб бермайди.

Бугунги кунда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш жойлари билан таъминлаш масаласи ниҳоятда муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Мазкур масала ҳукуматимизнинг алоҳида эътиборидадир. Аммо, шунга қарамай, айрим ишлаб чиқариш корхоналари раҳбарлари бунга сусткашлик билан ёндашмоқда. Қонун билан белгиланган иш тартибини ташкил этиш қоидаларини бузмоқда. Масалан, айрим овқатланиш шохобчалари, кичик цехларда ёшлар иш билан таъминланган. Аммо уларга меҳнат дафтарчаси очилмаган, меҳнат шартномаси ҳам тузилмаган. Маош ҳам оғзаки келишув асосида белгиланган. Бундай жойда иш берувчи ходимнинг меҳнат ҳуқуқларини бузиши, хоҳлаган вақтда бир оғиз сўз билан уни ишдан бўшатиб юбориши мумкин. Меҳнат таътили, белгиланган иш соати, меҳнат муҳофазасига ҳар доим ҳам эътибор қаратилмайди. Бу масалани ҳам кўтармаяпмиз. Нима учун бизнинг жойлардаги фаолларимиз буни кўриб-билиб туриб, бонг урмайди, жим юради?

Айниқса, Бўка, Чиноз, Оққўрғон, Янгийўл, Зангиота туманларида партиямиз ёшлар қаноти фаолияти жуда суст. Тенгдошларимиз манфаатлари билан боғлиқ масалаларни кўтариб чиқиш, иш режасида белгиланган вақтда ўтказилмаяпти. Бундай ҳолат билан мутлақо муроса қилиб бўлмайди.

— Ёшларнинг маънавиятини юксалтиришга қаратилган тадбирларга ҳам алоҳида эътибор қаратишимиз зарур, — деди Оҳангарон шаҳар партия кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти етакчиси Маъмура Эргашева. — Бугун бутун дунёга ўзлигимизни намоён этишимиз учун барча имконият бор. Аммо биз нима билан дунёга чиқамиз? Аввало, маънавиятимиз билан. Маънавияти юксак одамгина жаҳон саҳнасига чиқа олади, ҳуқуқларини, масъулиятини чуқур англайди, келажагини ўзи барпо этади.

Энди бир мулоҳаза қилиб кўринг. Илм-заковати, тафаккурининг юксаклиги билан жаҳон аҳлини ҳайратга солган ота-боболаримиз қандай шароитда таҳсил олган? Уларда бугун биз учун яратилган имкониятлар бўлганми? Шунчалик шарт-шароит, эътибор бўла туриб, нега айрим тенгдошларимиз нотўғри йўлларга кириб қолмоқда?

Ўйлайманки, бунда бизнинг ҳам айбимиз бор. Жойларда фаолиятимизни самарали ташкил эта олмаяпмиз. Тарғиботчилик ишларимиз жуда суст. Бундан тегишли хулоса чиқаришимиз шарт.



Абдивоси ҲАЙДАРОВ олган суратлар.

— Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, ҳуқуқий, сиёсий маданиятини ошириш борасидаги ишлар асосий йўналишларимиз бўлиб қолаверади, — деди ЎзХДП Марказий Кенгаши масъул ходими, «Истиқбол» ёшлар қаноти фаоли Алижон Иброҳимов. — Бу борада «Ёш сиёсатчи» танловининг ҳар йили ўтказилаётгани ўзининг самараларини беряпти. Масалан, Тошкент вилоятида ҳам ёшлар қанотининг уч нафар фаоли халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашлари депутатлари этиб сайланди. Бу қувонарли, албатта. Аммо бу жуда кам, деб ўйлайман. Келажакда депутат тенгдошларимиз сафи кенгайиши учун ёш сиёсатчилар мактабини яратиш лозим. Шунга эришайликки, бу мактабдан доимий равишда депутатлар, етакчилар, умуман олганда, жамиятимизнинг илғор кишилари етишиб чиқсин.

Шунингдек, сўзга чиққан Раҳмонжон Раҳмонов, Гўзал Жўраеванинг сўзларини ҳам иштирокчилар қизиқиш билан тинглади, муҳокама этди. Анжуманда қатнашган вилоят партия кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи раҳбари Сирожиддин Аъзамов, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партиямиз фракцияси аъзолари Гулноза Эрназарова, Шуҳрат Турсунов эса ёшлар қанотининг депутатлик гуруҳлари, фракция билан ҳамкорлигини кучайтириш масаласига тўхталдилар. Хусусан, ёшлар жамиятдаги турли масалалар юзасидан ўз фикрларини доимий равишда депутатлик бирлашмаларимизга бериб туришлари, партиямизнинг Ҳаракат дастурини амалга оширишда фаоллар, депутатлар билан биргаликда иштирок этишлари зарурлиги таъкидланди. Анжуманда билдирилган барча фикр-мулоҳазалар, таклифлардан келиб чиқиб, «Истиқбол» ёшлар қаноти вилоят бўлимининг асосий вазифалари белгилаб олинди.

Конференцияда ташкилий масала кўрилди. Алишер Қандолатов вилоят партия кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти раиси этиб сайланди.

Анжуман тугагач, иштирокчилардан айримларининг фикр-мулоҳазалари билан қизиқдик.

— Мен ишимизнинг амалий натижаларини кучайтириш зарур деган хулосага келдим, — деди «Истиқбол» ёшлар қаноти Қибрай туман бўлими раиси Фарида Кулдашева. — Масалан, шу вақтга қадар Қонунчилик палатасидаги фракциямиз, вилоят, туман Кенгашларидаги депутатлик гуруҳларига бирон-бир масала ё таклиф билан чиққанимиз йўқ. Ҳолбуки, биз доимий равишда уларни «безовта» қилиб туришимиз шарт. Қолаверса, фракция, депутатлик гуруҳида ёшлар манфаатлари билан боғлиқ масалалар муҳокама этилаётганда фаол иштирок этишимиз лозим.

— «Истиқбол» фаолларининг мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларга дахлдорлик, юрт тақдирига жавобгарлик ҳисси кучайиб бораётганини сездим, — деди «Истиқбол» ёшлар қаноти Бўстонлиқ туман бўлими раиси Бахтиёр Ибрагимов. — Бу эса партиямизда ёш фаоллар қатламининг шаклланиб бораётганини кўрсатади. Эндиги муҳим вазифамиз — бу кучни дастурий мақсадларимизнинг амалий ижросига қаратишдан иборатдир.

**Беҳзод ШУКУРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Сўз — ЎзХДП фракцияси аъзоларига

Мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари, ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришга қаратилган мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилган. Унинг тобора такомиллашиб бориши, шубҳасиз, соҳа тараққиётига хизмат қилмоқда. Оммавий ахборот воситалари имкониятларининг янада кенгайгани, Интернет-журналистиканинг тез суръатлар билан ривожланиб бораётгани, айни пайтда мамлакатда олти мингдан ортиқ сайт мавжудлиги, улар орасида газета ва журналлар, ахборот агентликларининг ҳам электрон версиялари борлиги фикримизнинг ёрқин далилидир.

# ОАВ жамият ҳаётига таъсир этувчи қудратли куч

***бу соҳадаги масалаларга жиддий ёндашилмаса, оғир оқибатларга дуч келиш мумкин***

Мамлакатимиз Президенти Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида қилган маърузасида оммавий ахборот воситалари фаолиятининг норматив ҳуқуқий базасини такомиллаштириш масаласига алоҳида тўхталди. Ахборот соҳасига бозор механизмларини жорий этиш, ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланишни кенгайтириш, оммавий ахборот воситаларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, журналистларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, миллий матбуотимизнинг сифатини, маҳорат ва таъсирчанлигини ривожланган давлатларнинг оммавий ахборот воситалари эришган юксак талаб, мезонлар даражасига босқичма-босқич кўтаришга қаратилган ҳуқуқий механизмларни яратиш вазифаларини устувор қилиб қўйди.

Таъкидлаш кераккки, бу парламент зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Айни пайтда, сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциялари ўз дастурий ғояларидан келиб чиқиб, мазкур масалада қарашларини илгари сурмоқда. Шу ўринда биз ЎзЛиДеП вакилларининг айрим нуқтаи назарларини ва фикрлари билан келиша олмаслигимизни таъкидламоқчимиз. Масалан, уларнинг ОАВни либераллаштириш, йирик медиакорпорациялар, медиахолдинглар ташкил этиш тўғрисидаги фикрларини олайлик.

«Ривожланган мамлакатлар аллақачон шундай йўл тутишган. Демак, биз ҳам шунга ўтишимиз керак. Қолаверса, бозор муносабатларига ўтишнинг ўзи шуни тақозо этаяпти», деб улар ўз фикрларини исботлашга уринишлари мумкин. Тўғри, ривожланган мамлакатларда йирик медиакорпорациялар, медиахолдинглар фаолият кўрсатади.

Аммо, масаланинг иккинчи жиҳатини эътибордан четда қолдирмаслик керак. Модомики, биз оммавий ахборот воситаларимизни ривожланган давлатлар ОАВ даражасига олиб чиқмоқчи эканмиз, уларнинг тажрибасини, ютуқ ва камчиликларини ҳақиқатан ҳам чуқур ўрганишимиз талаб этилади. Бугун ОАВ ривожланган, либераллашган, хусусий нашрлар кўп бўлган мамлакатлардаги ахборот тарқатиш усуллари ва масъулияти қай даражада экани ҳамда бунинг яхши-ёмон томонларидан хулоса чиқариб олмоғимиз керак.

Кўпгина мутахассислар АҚШ, Европа, Осиё ва Африканинг қатор мамлакатларида юзага келган маънавий инқироз ўсиб келаётган авлод тақдирига таҳдид солаётганига айнан ОАВни айблашмоқда. Ҳеч кимга сир эмас, хусусий нашр ёки телестудия эгаси аввало кўпроқ фойда кўришни ўйлайди. Пул топиш ва бойликка муккасидан кетган айрим ОАВ эгалари ҳеч нарсадан тап тортмаётганига ҳам кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Бизда маънавият масалаларига алоҳида эътибор қаратилади. Қизларимизнинг ҳаёли, иболи бўлиши, йигитларимиздаги орият, ғурур энг олий қадриятларимиздан ҳисобланади. Ота-она ва фарзанд, устоз ва шогирд ўртасидаги ўзига хос фазилатлар, ёшларнинг қарияларга ҳурмати — булар ҳаммаси биз асраб-авайлайдиган миллий қадриятларимиз-ку. Аммо ташкил этиладиган корпорация ва холдинглар бизнес мақсадларини биринчи ўринга қўйиб, ахборот тарқатишни пул топишнинг асосий манбаига айлантириб олса, истаган ахборотини, айниқса шов-шувли, одамлар орасига нифоқ соладиган, миллий манфаатларимизга зид хабарларни тарқата бошласа бунинг оқибати яхшиликка олиб келмайди.

Ана шу мулоҳазаларни ҳисобга олиб, биз ахборот тарқатиш соҳасида рақобатни ривожлантириш билан бирга, бу борада масъулиятни ошириш, ахборотнинг ишончли манбасини яратиш масаласини илгари сураяпмиз. ОАВни либераллаштириш жараёнида ижтимоий-сиёсий нашрлар, радио ва телеканаллар фаолиятини такомиллаштириш ҳамда уларни қўллаб-қувватлашнинг мақбул механизмларини яратиш тарафдоримиз.

Аввалги чақириқда парламентимиз Солиқ кодексини янги таҳрирда қабул қилди. Кодекс лойиҳасининг Қонунчилик палатасидаги муҳокамалари чоғида бизнинг фракциямиз аъзоларидан бири журналистлар, ижодкорларнинг қалам ҳақи (гонорар)га солиқ имтиёзини кучайтириш масаласини кўтарган эди. Бугун ҳам биз ижтимоий-сиёсий йўналишдаги оммавий ахборот воситаларига молиявий имтиёзлар бериш тарафдоримиз. Қолаверса, таҳририятларнинг замонавий коммуникация воситаларидан фойдаланиш имкониятларини ҳам кенгайтириш зарур.

Бизнинг фикримизча, ОАВ нафақат ахборот тарқатувчи тизим, айни чоғда халқимизнинг маънавияти ва маданиятини юксалтириш, миллий ғояни ўсиб келаётган авлод онгига сингдириш, улар қалбида Ватанга муҳаббат туйғуларини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Шундай экан, оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, фаолиятини такомиллаштириш масалаларига либералларча ёндашадиган бўлсак, яъни улар айтаётгандек, ўнгу сўлга қарамай ОАВни либераллаштиришга киришиб кетсак, эртага қатор муаммоларга дуч келишимиз мумкин.

**Ҳафиза КАРИМОВА,**
**Дилбар ХОЛИҚОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари.**

# Депутатлик гуруҳи ва партия ташкилоти

***ҳамкорлиги дастурий мақсадларни рўёбга чиқаришда муҳим омил***

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис палаталари қўшма йиғилишидаги маърузасида мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этишнинг яқин йиллардаги асосий йўналишлари белгилаб берилган, бу жараёнда сиёсий партиялар ролини оширишга қаратилган ғоя ва таклифларни илгари сурди.

Дарҳақиқат, мамлакат тақдири учун муҳим аҳамиятга эга бўлган устувор вазифалар ижроси кўп жиҳатдан сиёсий партиялар фаоллигига бевосита боғлиқ. Шунинг учун ҳам партиялар фаолияти, депутатлик гуруҳлари ишини кучайтириш талаб этилмоқда. Биз партиядошларимиз билан дастурий маърузадаги хулосалардан келиб чиқиб, амалий ишлар режасини аниқ белгилаб олдик. Айни пайтда уларни амалга оширишга ҳаракат қилаяпмиз. Депутатлик гуруҳлари билан амалий семинарлар ўтказилди. Ҳар бир депутатнинг партия ташкилотига ахборот бериши йўлга қўйилди.

Шу ўринда икки ҳолатни таъкидлаб ўтмоқчиман. Кейинги йилларда депутатлик гуруҳлари фаолияти анча жонланди. Ишимизга танқидий ёндашишга ўргандик.

Иккинчи ҳолат — сўнгги сайловлар натижаси билан боғлиқ. Халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашида 18 нафар, шаҳар ва туман Кенгашларида 217 нафар депутатга эгамиз. Бу эса вилоят бўйича жами депутатларнинг ярмидан ортиғи ЎзХДП вакиллари деганидир.

Айтмоқчиманки, бу депутатлик гуруҳларимизнинг салоҳияти жуда юқори эканини кўрсатади. Вакилларимизнинг аксарияти жамоатчилик орасида катта обрў, ўз ўрни, ўз сўзига эга эканини ҳисобга олсак, партия ташкилотларига Сайловолди дастуримиз, Ҳаракат дастуримизда белгиланган вазифаларни рўёбга чиқариш учун катта имкониятлар юзага келганини англаш мушкул эмас.

Шу сабабли вилоятда депутатлик гуруҳлари фаолиятига Юртбошимизнинг Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқидан келиб чиқадиган вазифалар асосида янгича талаблар қўйилмоқда. Хўш, бу нималарда кўринади?

Биринчидан, депутатлик гуруҳлари иш режаси аниқ тадбирларга асосланиб тузилди. Партия ташкилотлари депутатлик гуруҳларига ўрганиш, мониторинг юритиш юзасидан электоратимиз манфаатлари билан бевосита боғлиқ бўлган масалаларни таклиф этишди. Мисол учун, бизнинг гуруҳга ЎзХДП вилоят кенгаши пенсия таъминоти, жамоат транспорти хизмати аҳволини ўрганиш, ўқитувчилар ва тиббиёт ходимларига иш ҳақи тўланишида қонун талабларига риоя этилишини, газ ва электр учун тўловлардаги тартибсизликларни назорат қилишни тавсия этди.

Депутатлик гуруҳи аъзолари бу масалалар юзасидан таҳлилни аллақачон бошлаб юборди. Дарвоқе, халқ депутатлари шаҳар ва туман Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари раҳбарлари билан ўтказилган учрашувда юқоридаги масалалар бўйича сўровлар уюштиришга келишиб олдик. Хусусан, ўзим Оқдарё туман электр тармоқлари идораси бошлиғига хонадон ва идораларни, ўқув юртларини огоҳлантирмасдан электр энергия узатишни узиб қўйиш ҳолатларига чек қўйиш чораларини кўришини сўраб, мурожаат этдим.

Гуруҳимиз йиғилишида 37-Чархин сайлов округидан вилоят Кенгаши депутати Ҳасан Нормуродов тўй-маъракаларни замонавий, ихчам, камчиқим ўтказиш масаласини яна бир бор ўртага ташлади. Дарҳақиқат, оила бюджетини оқилона сарфлаш, исроф, ортиқча харажатларга йўл қўймаслик жиддий масала.

Депутатлик гуруҳи вилоят Кенгашининг ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари доимий комиссиясидан ушбу масалани 2010 йил иш режасига киритишини сўради. Таклиф қабул қилинди. Масалани доимий комиссия йиғилишида муҳокама этиш учун ишчи гуруҳи маълумот тайёрлади.

Комиссиянинг яқинда бўлиб ўтган йиғилишида ушбу масала тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари иштирокида муҳокама этилди ҳамда тегишли қарор қабул қилинди. Депутатлар ва вилоятнинг бошқа фаоллари мазкур масала юзасидан доимий тарғибот, тушунтириш ишларини олиб бориш топширилди.

Фақат бугина эмас. Депутатларимиз талай ибратли ишларни амалга оширмоқдалар. Жумладан, 45-Равонак сайлов округидан вилоят Кенгаши депутати Ўктам Саидмуродов касб-ҳунар коллежларини битирган йигит-қизларнинг ўз иши, кичик бизнесини ташкил этиб, ўзи ва бир-икки тенгдошини иш билан таъминлашига амалий ёрдам кўрсатмоқда. Ўзи раҳбарлик қилаётган «Стеклопластик» корхонасида касаначиликка кенг йўл очаяпти. Бу ишга маҳалладаги ҳунармандларни жалб этмоқда.

14-Деҳқонобод сайлов округидан вилоят Кенгаши депутати, Самарқанд молия-иқтисод касб-ҳунар коллежи директори Валиқул Бердиқулов ҳамда бошқа депутатларимиз ўзлари сайланган ҳудудда Юртбошимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси тўғрисида суҳбатлар уюштирмоқда.

Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этишнинг устувор йўналишларини теран англаган партиядошларимиз ўз зиммасига юклатилган эзгу вазифаларни бажаришга астойдил киришдилар. Партия дастурини рўёбга чиқариш, обрўсини оширишда бундай саъй-ҳаракатлар ижобий самара беришига ишонамиз.

**Фармон ТОШЕВ,**
**Халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи раҳбари,**
**Олий Мажлис Сенати аъзоси.**

Юртимизда аҳолининг саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилувчи саломатлик лойиҳалари изчил амалга ошмоқда. Шунга асосан туманларнинг шифохоналари, қишлоқ врачлик пунктларига турли тиббий жиҳозлар етказиб берилаяпти.

## Саломатлик лойиҳаси Чироқчида

Чироқчи туман Соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Холлиёр Қодировнинг хабар беришича, вилоят шошилинч тез ёрдам бўлимига 67 миллион сўмлик янги тиббий ускуналар олиб келинган. Замонавий кўчма рентген, сунъий нафас бериш, ультратовуш, юрак фаолиятини яхшиловчи, қон таҳлилларини бажарувчи замонавий ускуналар ва бир жуфт жарроҳлик жамламаси шулар жумласидандир. Демак, тиббий хизмат сифати янада ошади.

**Юнус УЗОҚОВ**

Олий таълим

# Баркамол авлод маърифат масканларида улғаяди

**Қарши давлат университети ректори, физика-математика фанлари доктори, профессор Муродулла НОРМУРОДОВ билан суҳбат.**

**— Сиз тажрибали педагог сифатида аввало Баркамол авлод йилининг мазмун-моҳияти ва мақсади ҳақида тўхталсангиз.**

— Жамият тараққиётини белгилайдиган энг қудратли омиллардан бири, бу шубҳасиз таълим-тарбия соҳасидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш, эртанги кунимиз тақдирини белгилаб берувчи, ҳар томонлама етук, юксак интеллектуал салоҳиятга эга бўлган авлодни вояга етказишдир.

«Баркамол» иборасига алоҳида урғу берилса, айтиш лозимки, бу сўзнинг ўзаги, камол, яъни тўлиқлик, тўкислик маъноларини ифодалайди. Интеллектуал бойлик асри бўлган XXI асрнинг ўнинчи йили муҳтарам Юртбошимиз таклифи билан Баркамол авлод йили деб эълон қилинишида ҳам ана шундай катта маъно, улуғ мақсад бор.

**— Баркамол авлодни вояга етказишда таълим-тарбиянинг ўрни ва аҳамияти тўғрисида фикр-мулоҳазаларингизни билдирсангиз.**

— Инсоннинг ахлоқ-одоби, маънавияти, дунёқарашини ҳеч шубҳасиз таълим ва тарбия белгилайди. Мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганидек, онгни, тафаккурни ўзгартирмасдан туриб кўзланган олий мақсад — озод ва обод жамиятни барпо этиб бўлмайди. Бу эса ўз навбатида таълим-тарбияга боғлиқ.

Дарҳақиқат, бизнинг университет республикамиз жанубий минтақасида педагогик кадрлар тайёрлаб келаётган йирик олий ўқув юртларидан бири ҳисобланади.

Педагогика институти сифатида фаолият кўрсатиб келаётган бу таълим даргоҳига Президентимиз фармони билан 1992 йилда университет мақоми берилди.

Ҳозир университетда 8 факультет ва 38 кафедра фаолият кўрсатади. 7316 нафар талаба давлат таълим стандартлари бўйича фаннинг энг илғор ютуқлари асосида таҳсил олмоқдалар.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни ҳамда «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»дан келиб чиққан ҳолда университетимизда ўқув сифати ва самарадорлигини ошириш малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш вазифасига давр талаби нуқтаи назаридан ёндашиш, фундаменталь тадқиқотларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Айни чоғда ўқув машғулотларида талабаларнинг тўлиқ иштирокини таъминлаш, дарслар савиясини ошириш борасида қатор чора-тадбирлар кўрилмоқда. Қисқа муддатда талабаларнинг маъруза ва амалий дарслардаги иштироки 82 фоиздан 96,2 фоизга етганини таъкидлаш лозим.

Бўлажак олимларни илмий иш қилишга рағбатлантириш мақсадида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги буйруғи билан 7 та йўналиш бўйича аспирантурага ўрин ажратилди, айни кезда 6 та янги йўналиш очилди. Кейинги 3 йилда фаолиятини тўхтатган магистратура йўналиши ҳам жорий ўқув йилида қайтадан тикланди. Эътиборли бешта мутахассислик бўйича 34 нафар магистрлар қабул қилинди. Келгуси ўқув йили учун эса яна 10 та мутахассислик бўйича магистр тайёрлашга буюртма берилди.

Албатта, ўтказилаётган бундай тадбирлар педагогик жамоамизнинг илмий салоҳиятини оширишда ўз ижобий самарасини бермоқда. Хусусан, ўтган йили профессор-ўқитувчилар, аспирант ва мустақил тадқиқотчиларимиз томонидан 3 та дарслик, 4 та монография, 56 та ўқув-услубий қўлланмалар чоп этилди. Булардан ташқари, халқаро журналларда 10 та, республика матбуот нашрларида 73 та илмий мақола, 614 та тезис чоп қилинди. Халқаро илмий анжуманларда профессор-ўқитувчиларимиз 62 та, республика миқёсидаги конференцияларда 52 та маъруза билан қатнашишди. Ўтган йили олийгоҳимизда 3 та илмий-амалий конференция ўтказилиб, 1500 дан ортиқ маъруза тингланди.

Кези келганда таъкидлаш жоизки, даврнинг ўзи олий таълим соҳаси ходимлари олдига фан ва ишлаб чиқаришнинг ҳамкорлигини кучайтиришни муҳим вазифа қилиб қўймоқда. «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»да ҳам бу масала устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланган.

Ушбу дастурни амалга оширишда биз энг аввало ички имкониятлардан кенгроқ фойдаланишга ҳаракат қилаяпмиз. Профессор-ўқитувчиларимиз ҳамда иқтидорли талабалар томонидан қуёш энергиясидан халқ хўжалигида самарали фойдаланиш, воҳадаги ишлаб чиқариш ресурсларини ўзлаштиришда фаол иштирок этиш, ёқилғи энергетика ва минерал хомашё захираларини тиклаш, илғор технологиялар яратиш, жанубий вилоятлар табиати, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, экологиясини ўрганиш ҳамда улардан оқилона фойдаланиш каби йўналишлар бўйича 80 дан ортиқ илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Масалан, ўтган йили профессор-ўқитувчиларимиз томонидан 47 миллион 771 минг сўмлик 3 та амалий, 2 та фундаментал, жами 5 та грант лойиҳалари асосида тадқиқот ишлари амалга оширилди. Жами қиймати 100 миллион сўмлик 8 йўналишдаги хўжалик шартномалари бажарилди ҳамда 31 та амалий ва 1 та инновацион лойиҳалар тузилиб танловларга тақдим қилинди.

**— Университет талаба-ёшларининг иқтидори, дунёқараши ва улар ўртасида ўтказилаётган маънавий-маърифий тадбирлар ҳақида сўз юритсангиз?**

— Талаба-ёшларимизнинг нафақат билими, иқтидори, балки уларнинг турмуш тарзи, бўш вақтларини, қандай ўтказишлари, орзу-истаклари билан яқиндан танишиш мақсадида ҳар бир факультетда очиқ мулоқотлар ўтказиш анъанага айланган. Ана шундай учрашувларимизда талабаларимиз билдираётган таклиф ва мулоҳазалар бўйича университет раҳбарияти томонидан тегишли чора-тадбирлар кўрилади. Қолаверса, ҳар бир факультетда «Таклиф ва мулоҳазалар» почтаси ташкил этилган.

Педагогик технологиялар асосида жиҳозланган ўқув бинолари, замонавий техник восита ва асбоб-ускуналар билан таъминланган лаборатория хоналари, ахборот технологиялари маркази, видео конференция зали, компьютер маркази, катта китоб захирасига эга бўлган ахборот-ресурс маркази, турли маданий-маърифий тадбирлар ўтказиладиган «Ёшлар маркази», ҳар томонлама шинам ва кўркам 4 та талабалар турар жойи, битта соғломлаштириш мажмуи, 1 та стадион, 2 та спорт зали, 6 та спорт майдончаси, қўл тўпи майдони ва теннис кортлари, ошхона, кафе-барлар талабалар ихтиёрида.

**— «Баркамол авлод йили» Давлат дастури бўйича университетда қандай ишлар амалга ошириляпти?**

— Илм даргоҳимиз бунданда чирой очади, шарт-шароитларимиз янада яхшиланади. Маъмурий биномиз таъмирланади. Шунингдек, дастурда истиқболли илмий тадқиқотлар ва изланишлар олиб бориш учун янги лабораториялар яратиш алоҳида белгиланган. Биз талаба-ёшларни халқ оғзаки бадиий ижоди воситасида миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш мақсадида «Фольклор» илмий лабораториясини янада кенгайтиришни ўйлаяпмиз.

Умуман, университетимизда ўтказиладиган ҳар бир маданий-маърифий ва ҳуқуқий-тарбиявий тадбирларимиз талабалар билимини мустаҳкамлаш баробарида уларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, маънавиятини юксалтириш, қалбида истиқлол ғояларига садоқат, ватанпарварлик ва фидойилик туйғуларини камол топтиришга қаратилган.

Университетимизда талабаларимизнинг илмий салоҳиятларини қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳар бир факультет қошида «Иқтидорли талабалар» бўлими ташкил этилган. Ҳозир факультетлар илмий Кенгаши тавсияси ва танлов асосида ғолибликни қўлга киритган 330 нафар иқтидорли талаба фаннинг турли соҳалари бўйича илмий изланишлар олиб бормоқда. Жумладан, ана шундай талабаларимиздан 219 нафарига университет илмий Кенгашида тасдиқланган, келгусида номзодлик диссертацияси ишига мўлжалланган илмий мавзулар берилган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, биз ёшларга энг аввало меҳр бериб, уларни маърифат нуридан баҳраманд этишимиз, фарзандларимизни катта ҳаёт йўлига бошлашимиз жуда-жуда муҳимдир. Зиё таратаётган маърифат масканларидагина баркамол авлод камол топади.

**Суҳбатдош: Муҳаммад ОЧИЛ.**


**Барча турдаги ташкилот ва корхоналар раҳбарлари диққатига!**

## ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ИЧКИ ИШЛАР БОШҚАРМАСИ

қуйидаги объект бўйича танлов савдоси ўтказилишини эълон қилади:

| № | Объект номи | Бошланғич қиймати, млн. сўм | |
|---|---|---|---|
| | | ҚҚСсиз | ҚҚС билан |
| 1 | Жиззах вилояти ички ишлар бошқармаси биноси фасадларини капитал таъмирлаш | 279,051 | 334,861 |

Ишларни тугаллаш муддати: 2010 йил 1 ноябргача.

Ишларни молиялаштириш буюртмачига ажратилган бюджет маблағи ҳисобидан амалга оширилади.

**Буюртмачи манзили:** Жиззах шаҳри, Наримонов кўчаси, 1-уй.

**Телефон:** (8372) 226-40-61.

**Танлов савдосида иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак:** танлов савдоси предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағига ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида маҳаллий ва чет эл қурилиш ташкилотлари иштирок этганда, уларнинг танлов таклифлари баҳоланаётганда маҳаллий пудратчилар учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилган: оферентларнинг танлов таклифларини баҳолаш вақтида қонунчиликка мувофиқ қўшимча қиймат солиғини тўлашдан озод этилган импорт ишларни бажарувчи ва хизмат кўрсатувчи чет эл оферентларининг таклифларига қўшимча қиймат солиғи қўшиб ҳисобланади.

Танлов савдоларида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан танлов савдоси ташкилотчиси — **Жиззах вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига** қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:

**Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 63-уй, 425-хона. Тел/факс: 226-14-66.**

**Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 70 000 сўм.**

Таклифлар (оферталар) танлов савдоси ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни танлов савдоси ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Танлов савдоси эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади:

**Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 64-уй (вилоят ҳокимлиги биноси), кичик мажлислар зали.**



## Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Жиззах вилоят бош бошқармаси

қуйидаги объект бўйича танлов савдоси ўтказилишини эълон қилади:

***«Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Жиззах шаҳридаги вилоят бош бошқармаси биносини капитал таъмирлаш»***

**Объектнинг бошланғич қиймати: — ҚҚС сиз 1230,306 млн. сўм,**
**— ҚҚС билан 1476,367 млн. сўм.**

Ишларни тугаллаш муддати: 2010 йил 1 ноябргача.

Ишларни молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

**Буюртмачи манзили:** Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 16-уй.

**Телефон/факс:** (8372) 226-51-06.

**Танлов савдосида иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак:** танлов савдоси предметининг 20% миқдоридаги айланма маблағига ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари, талабгорлар охирги 3 йил мобайнида 3 млрд. сўмдан ошиқ қурилиш ишларини бажарган бўлиши, асосий техникаси 5 тадан ва айланма маблағлари 300 млн. сўмдан кам бўлмаслиги шарт.

Танлов савдоларида маҳаллий ва чет эл қурилиш ташкилотлари иштирок этганда, уларнинг танлов таклифлари баҳоланаётганда маҳаллий пудратчилар учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилган: оферентларнинг танлов таклифларини баҳолаш вақтида қонунчиликка мувофиқ қўшимча қиймат солиғини тўлашдан озод этилган импорт ишларни бажарувчи ва хизмат кўрсатувчи чет эл оферентларининг таклифларига қўшимча қиймат солиғи қўшиб ҳисобланади.

Танлов савдоларида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан танлов савдоси ташкилотчиси — **Жиззах вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига** қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин.

Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 63-уй, 425-хона. Тел/факс: 226-14-66.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 70 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) танлов савдоси ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни танлов савдоси ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Танлов савдоси эълон матбуотда чоп этилганидан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади:

**Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 64-уй (вилоят ҳокимлиги биноси), кичик мажлислар зали.**


Хорижда

Саудия Арабистони ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари террорчилик фаолиятига алоқадорликда гумон қилинган 113 кишини қўлга олди. Улар «Ал-Қоида» халқаро террорчилик ташкилоти тармоқларига кирувчи учта гуруҳ вакилларидир.

## Террорчилар гуруҳи фош этилди



Қамоққа олинганларнинг 58 нафари Саудия Арабистони фуқароси, 52 нафари яманлик, 1 нафардан Сомали, Эритрея ва Бангладеш фуқароларидир. Уларнинг аксарияти Саудия Арабистонига гўё иш излаб келган, айримлари эса нолегал тарзда ташриф буюрган.

Саудия Арабистони Ички ишлар вазирлиги вакили Мансур ат-Турк берган манбаларга асосланиб «Ал-Арабия» телеканали хабар тарқатишича, улар мамлакат шарқидаги нефть конлари ва нефтни қайта ишлаш саноат корхоналарига ҳужум уюштириб, портлатиб юборишни режалаштирган экан. Ўз вақтида ёвуз режадан хабар топилган ва террорчилар қуролсизлантирилиб, қўлга олинган.

Уларнинг қуроллари ва тактик услублари таҳлил қилинганда, гуруҳ «Ал-Қоида» билан алоқадор эканлиги аниқланди.

Террорчилардан 12 нафари камикадзе сифатида иш кўришга, яъни ўзларини керакли жойларда портловчи моддалар билан портлатиб юборишга тайёргарлик кўрган экан.

## Мухолифат ғалаба қозонди

***бош вазир эса норози***

Ироқнинг олий мустақил сайлов комиссияси жорий йилнинг 7 мартида бўлиб ўтган парламент сайловлари натижаларини эълон қилди. Унга кўра, дейилади «AFP» АА хабарида, мамлакатнинг собиқ бош вазири Айяд Алави етакчилигидаги «Ал-Ироқ» мухолиф блоки ғалабани қўлга киритиб, 325 та парламент ўрнидан 91 тасини ишғол этди.

Мамлакатнинг амалдаги бош вазири етакчилигидаги ҳукмрон «Давлат қонуни» блоки эса 89 та ўринга эга бўлди. Шиаларнинг диний партияларини ўзида бирлаштирган «Ироқ миллий алянси» 70 та мандатни қўлга киритиб, учинчи ўринни олди. Курдларнинг 2 та партияси — «Курдистон ватанпарварлар уюшмаси» ва «Курдистон Демократик партияси»ни бирлаштирган «Курдистон» блоки 43 та мандатга эгалик қиладиган бўлди.



Сайлов натижаларининг бундай тус олиши янги ҳукумат таркибини шакллантиришга ўз таъсирини ўтказмай қолмайди, дейишмоқда сиёсатдонлар. Негаки, бош вазир Ал-Малики сайлов натижаларидан норозилигини билдириб, бюллетенлар қўлда қайта санаб чиқилишини талаб қилди. Бироқ бу талаб рад этилди.

Ғолиб блок янги ҳукумат таркибини шакллантириш учун бошқа блоклар билан коалиция тузиши керак. Негаки, 136 депутатлик ўрнини қўлга киритган блокгина ҳукуматни шакллантириш ҳуқуқига эга бўлади.

Буюк Британиянинг йирик «British Airways» авиакомпанияси экипажи аъзоларининг тўрт кунлик норозилиги — иш ташлаши давом этмоқда. Иш ташлашнинг мазкур иккинчи босқичи 27 мартда бошланган. Биринчи босқичи эса 20 мартдан 22 мартгача давом этган эди.

## Иш ташлаш

***яна авж олди***



«Unite» касаба уюшмалари конфедерациясига уюшган экипаж аъзолари авиакомпания маъмуриятининг узоқ йўналишларга учувчи экипаж аъзоларининг 15 тадан 14 тага туширилиши, яъни иш ўринлари қисқартирилиши ва икки йил давомида маошлар оширилиши «музлатиб» турилишини назарда тутувчи режасига қарши норозилик билдирмоқдалар.

«Sky News» телеканали хабарига қараганда, музокаралар боши берк кўчага кириб қолган. Ўртада авиайўловчилар манзилларига етолмай азият чекмоқда, холос.

Шуни таъкидлаш лозимки, айнан шу кунларда учиш учун олдиндан чипта сотиб олган 240 минг йўловчининг 180 минги бошқа авиакомпаниялар самолётлари ёрдамида манзилларига етказилади. 43 минги эса чипталарини алмаштиришга мажбур бўлди. 17 минги вазият яхшиланишига умид билдириб, парвоз вақтини кутмоқда.

## Ўқитувчилар ва полиция тўқнашуви ***натижасида яраланганлар бор***

Бразилиянинг Сан-Паулу жанубий округидаги Морумби туманида олий таълимнинг ўқитувчи-профессорлари билан полиция ўртасида тўқнашув юз берди. Натижада 16 киши (7 нафари полиция ходими, 9 нафари намойишчи) тан жароҳати олди.

«Новости» АА хабар қилишича, олий ўқув юртларининг 5 мингга яқин ўқитувчилари давлат олий таълим тизимида меҳнатга ҳақ тўлаш шароитлари яхшиланишини талаб қилиб, норозилик намойиши уюштирган эдилар. Намойиш бўлаётганлиги боис штат маъмурияти биноси 350 нафар полиция ходими томонидан қаттиқ қўриқланаётганди. Намойишчилар маъмурият биносига киришмоқчи бўлганида тўқнашув юзага чиқди. Натижада полиция кўздан ёш оқизувчи газ қўллади.

Республика Маънавият тарғибот маркази жамоаси Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси бошқаруви раиси Фирдавс Абдухолиқовга падари бузруквори
**ФАРИДУН ота**нинг
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари таҳририяти жамоаси таниқли журналист Фирдавс Абдухолиқовга падари бузруквори
**ФАРИДУН ота**нинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раҳбарияти ва аппарати жамоаси масъул ходим Гавҳар Рамановага отаси
**Кенжа РАМАНОВ**нинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Ҳ.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза маркази жамоаси марказнинг илмий ходими Нилуфар Халиловага отаси
**Шухрат АБДУЛЛАЕВ**нинг
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

# Садоқат ва фидойилик

***мард ва жасур ўғлонларимизга хос фазилат***

Куни кеча пойтахтимизда Президентимиз ташаббуси билан барпо этилган «Ватанга қасамёд» ҳайкали пойида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган аскарлар тантанали Ҳарбий қасамёд қабул қилдилар. Унда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, республикамизнинг турли бурчакларидан келган ота-оналар иштирок этишди.




Сурхондарё вилоятининг Узун туманидан муддатли ҳарбий хизматга чақирилган Бобур Тошмирзаевнинг бугун қувончи чексиз. Негаки, у тенгдошлари ичидан сараланиб муддатли ҳарбий хизматга олинди. Унинг бундай юксак шарафга эга бўлишида спортнинг турон якка кураши билан шуғуллангани ҳам қўл келди. Бобур Тойлоқ олимпия захиралари коллежини битирган. Спорт усталигига номзод. Мамлакат ва Осиё биринчиликлари совриндори.

## Ватан ҳимояси — олий шараф



Носир ХАЙДАРОВ олган суратлар

— Ўғлимни қутлагани атайин Узундан келдик, — дейди аскарнинг отаси Омон Тошмирзаев. — Фарзандим қасамёдига содиқ бўлиб, Ватанимизнинг ҳақиқий ҳимоячи бўлишига ишонаман.

Ҳа, аскарларимиз бугун ўз юксак ақл-заковати, интеллектуал салоҳияти, мустаҳкам иродаси, халқимизга бўлган садоқатини намойиш этишяпти. Бир сўз билан айтганда, ҳарбий хизматчилар ўз бурчларини юксак профессионал даражада адо этишмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг доимий эътибори ва ғамхўрлиги туфайли армиямиз профессионаллашиб боряпти. Ихчам, тезкор, ҳар қандай топшириқни шараф билан уддалайдиган армияни шакллантиришдан кўзланган бош мақсад — халқимизнинг тинч ҳаётини ҳимоя қилишдир.

Йигитларнинг муддатли ҳарбий хизматга танлаб олинаётгани армиямиз нуфузи ошиб бораётганлигига яққол далил бўла олади. Шунинг ўзи ҳам Қуролли Кучларимиз сафида мард ва жасур ўғлонлар хизмат қилаётганлигини, асл профессионаллар Ватанимизни қўриқлаётганини кўрсатиб турибди. Президентимиз таъбири билан айтганда, миллий армиямиз халқимиз учун том маънодаги фахр-ифтихор манбаи, униб-ўсиб келаётган ёш авлод учун чинакам ҳаёт мактаб бўлиб қолди. Ватанни ҳимоя қилиш ҳар бир йигит учун олий шарафга айланди.

...Ҳарбий қасамёд қабул қилган аскарларга даста-даста гуллар тақдим этилди. Бу — Ватан ҳимоясига масъул йигитларга ишонч тимсоли эди.

**Равшан ШОДИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

***Суратларда:*** *оддий аскар Бобур Тошмирзаевни ота-онаси қутлаётир, тантанали тадбирдан лавҳа.*

## 2010 йил — Баркамол авлод йили

# Онги баланд мингни енгади

### Қизил ва кўк чироқ

***Ўзбекистон миллий энциклопедиясида онг тушунчасига бундай таъриф берилади: «одам руҳий фаолиятининг олий шакли, фикрлаш қобилияти, ақл-идроки». Дарҳақиқат, ҳаётни қанчалик тушунишимиз, ташқи ва ички таъсирларни сезишимиз ҳам, унга муносабат билдира олишимиз ҳам онгимизга боғлиқ.***

Ҳозирги кунда бутун дунёда инсон онги учун кураш кетаётгани сир эмас. Мафкура полигонларининг ядро полигонларидан кучлилиги исбот талаб қилмайди. Миллий хавфсизликни таъминлаш учун ахборот хуружининг олдини олиш, ғоявий экспансиядан сақланиш лозимлигини кўпчилик англаб етди.

Ўрта яшар ёхуд эллик-олтмишни қоралаганларнинг онгига бирданига таъсир кўрсатиш, дунёқарашини ўзгартириш анча мушкул. Лекин болалар ва ўсмирларда, ҳатто балоғат пиллапоясидаги ўғил-қизларда бу бирмунча осон. Бинобарин, инсон онги учун кураш дейилганда, аввало, ёшлар тушунилади, уларни ёт ғоялардан асраш, зарарли таъсирлардан ҳимоялаш англанади.

Ҳимоялаш — бу миллий ўзига хослик, юксак маънавият йўналишидаги кўк чироқдир. Бу тарбия билан ахлоқсизлик, миллий маданият билан «оммавий маданият» ўртасидаги чегарадир. Мақсад — кўр-кўрона тақлид қиладиган, маданий-ахлоқий қадриятлар қимматини ҳали англаб етмаган, саробни сув деб ўйлайдиган ёшларга тўғри йўл кўрсатишдир.

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки кунларидан бу масалага алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Давлатимиз раҳбарининг «Биз ёшларимизни ҳеч кимга бериб қўймаймиз!», «Фарзандларимиз биздан кўра билимли, кучли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт!» деган ҳаётий даъватлари негизида бир-бирини тўлдирадиган, пишиқ-пухта давлат дастурлари ишлаб чиқилиб, ижроси изчил таъминланмоқда.

Бунинг самарасини кўриш, натижасига мисол келтириш учун узоққа бориш шарт эмас. Ҳозир юртимиздаги энг кўркам, энг замонавий, энг гавжум бино қайси? Академик лицей, касб-ҳунар коллежи, болалар спорти мажмуи, умумий ўрта таълим, санъат ва мусиқа мактаблари эмасми?! Бу иншоотлар, таъбир жоиз бўлса, ўша кўк чироқ ичидаги йўналтирувчи белгилардир.

Бундай масканларда таълим олаётган фарзандларимиз ҳам замонавий билимга эга, ҳам миллий қадриятларимизга садоқатли, киши ҳавасини келтирадиган шижоатли ўғил-қизлар бўлиб камолга етаяпти. Онги баланд бу ёшлар турли халқаро кўрик-танловлар, нуфузли мусобақалар, фан олимпиадаларида ғолибликни қўлга киритиб, Ватанимиз шуҳратини янада оширмоқда.

Ўтган йили Германиянинг Бремен шаҳрида бўлиб ўтган математика бўйича 50-халқаро олимпиадада Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти қошидаги академик лицей талабаси Диёра Салимова кумуш, Бухоро вилояти Қоракўл туманидаги 52-ихтисослаштирилган мактаб ўқувчилари Аброр Пирнафасов, Азимхон Назаров бронза медалини қўлга киритиши тасодиф эмас. Бу ютуқ нафақат уларнинг, балки бошқа тенгдошларининг интилишига ҳам катта рағбат бўлди.

Ўқувчи-ёшларимизнинг бундай ютуқларини фахр билан тилга олар эканмиз, давлатимиз раҳбарининг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асаридаги қуйидаги фикрлари ёдга тушади: «Албатта, таълим-тарбия — онг маҳсули, лекин айни вақтда онг даражаси ва унинг ривожини ҳам белгилайдиган, яъни, халқ маънавиятини шакллантирадиган ва бойитадиган энг муҳим омилдир».

### Билаги ҳам, билими ҳам зўр!

***Бугун Ватанимиз мустақиллигини, юртимиз барқарорлиги ва хавфсизлигини ҳимоялаш, тинч ва осуда ҳаётимизга қарши қаратилган ҳар қандай тажовуз, ғаразли уринишларнинг олдини олиш ва бартараф этишда Қуролли Кучларимизнинг ўрни ва аҳамияти катта. Юртимизда тезкор ва ихчам, замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминланган, юксак жанговар қобилият ва тайёргарликка эга армия барпо этилди.***

Пойтахтимизда қад ростлаган «Ватанга қасамёд» ҳайкалининг очилишида давлатимиз раҳбари бу масалага тўхталар экан, яна бир жиҳатни алоҳида таъкидлади. «Бугун ҳаммамизга аён бўлиши керак — армиямизнинг кучига куч қўшадиган, вақти келганда, ҳал қилувчи омилга айланадиган қудратли бир восита борки, унинг номи — ҳарбийларимизнинг маънавий-руҳий тайёргарлиги, уларнинг бақувват ирода, фаол ҳаётий позицияга эга бўлиши, энг муҳими, ким учун ва нима учун ҳарбий бурчини адо этаётганини чуқур англаши ва тушуниши демакдир. Соҳибқирон Амир Темур бобомиз айтганидек, «Билаги зўр — бирни йиқар, билими зўр, онги баланд — мингни».

Шу буюк ҳикматга таянган ҳолда, она юртга, она заминга садоқат билан, кимнинг авлоди эканини хаёлидан чиқармасдан, ҳаётда аниқ мақсад ва эътиқод билан яшайдиган ҳарбийлардан бири кичик сержант Шавкат Чориевдир.

У Самарқанд вилоятининг Пастдарғом туманида туғилиб ўсган. Болалигидан спорт билан шуғулланиб, жисмонан чиниқишга, китоб ўқиб билимини оширишга интилган. Шавкат билан бир неча дақиқа суҳбатлашган киши унинг дунёқараши нақадар кенглигига, ўз касбининг устаси эканига амин бўлади.

Ш.Чориев Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисмларидан бирида алоқачи бўлиб хизмат қилади. Янги-янги алоқа воситалари яратилаётган ҳозирги пайтда бу соҳанинг етук мутахассиси бўлиш учун ўткир зеҳн, тез фикрлаш талаб этилади. Шавкат бу борада ҳам ҳеч кимдан қолишмайди. 2008 йилда Қуролли Кучлар тизимида ўтказилган кўрик-танловда «Энг илғор мутахассис» деб топилди.

Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги арафасида Ш.Чориев Президентимиз фармони билан «Жасорат» медали билан мукофотланиши уни ўз устида янада кўпроқ ишлашга, тажрибасини оширишга, иродасини тоблашга ундади. Шавкатнинг бу ҳаракатлари ҳам эътибордан четда қолмади — Жанговар тайёргарлик аълочиси кўкрак нишони билан тақдирланди.

Ақл-идрокли, замонавий билимга эга, онги баланд ҳарбийларимиз хизмат вазифаси билан бирга, халқаро мусобақаларда ҳам кимнинг авлоди, қайси юртнинг фарзанди эканини дунёга намойиш этиб келмоқда. Пекин олимпиадасида дзюдо бўйича бронза медалини қўлга киритган Ришод Собиров қадди ва қадри баланд ҳарбийлардан.

### Ақл ва қудрат

***Широқни эсланг. Унинг бир ўзи тиш-тирноғигача қуролланган кучли қўшинни енгади. Бунга нафақат ватанпарварлиги, балки юксак ақл-идроки, тийрак мушоҳадаси, баланд онги билан эришади. Жангу жадалларда дийдаси қотган тажрибали саркардага таъсир кўрсатишнинг, уни шунча аскари билан қуш учса қаноти куядиган жойга бошлаб боришнинг ўзи бўлмайди.***

Жалолиддиннинг қаҳрамонликлари етти иқлимда афсона бўлиши фақат жисмоний кучнинг ҳосиласи эмас. Билакдаги куч, юракдаги шижоат ва руҳий устунликнинг уйғунлиги бу. Ақлнинг куч-қудратга айланиши бу.

Замонавий спорт мусобақаларида ҳам ақли расолик ғалабанинг мустаҳкам пойдевори экани сир эмас. Балки фақат жисмоний устунлик сабаб чемпион бўлиш мумкиндир. Лекин кетма-кет шоҳсупага кўтарилиш, дунёда тенгсизлигини кўрсатиш учун спортчи ҳар томонлама етук бўлмоғи даркор. Музаффар боксчимиз Аббос Атоев фаолияти бунга мисол.

Кейинги йилларда теннис оламида Мурод Иноятов, Денис Истомин, Неъмат Шофайзиев, Оқгул Омонмуродова сингари янги юлдузлар нур соча бошлади. Неъматнинг кетма-кет иккита нуфузли халқаро турнирда ғолиб бўлиши, ер юзининг турли бурчакларидан келган ракетка усталарини мағлубиятга учратиши жисм ва онг, тана ва руҳ ҳамоҳанглигининг, умид билан кўз тикиб турган яқинлари, дуогўйларининг мададини сеза олишининг натижасидир.

Ўз вақтида икки юз қирқ уч йигити билан ўн икки минг отлиқ лашкарни енгган Амир Темур бобомиз «Темур тузуклари»да шундай ёзади: «Тажрибамда кўрилганким, ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишидан яхшидир. Чунки тажрибали бир киши минг кишига иш буюради. Мен яна тажрибамда кўрдимки, ғаним лашкарини енгиш қўшиннинг кўплиги билан эмас, мағлуб бўлиш эса сипоҳнинг камлигидан бўлмайди. Балки ғолиб бўлмоқлик (Тангрининг) мадади ва бандасининг тадбири билан дир». Бу фикрларни изоҳлашга ҳожат йўқ, деб ўйлаймиз.

**Озод РАЖАБОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси**

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV
TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV
MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI
BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45,
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 233-12-56
Reklama va e`lonlar 233-38-55, 233-47-80
Mas`ul kotib 233-72-83, 236-55-17
VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 223-06-02
Gulistonda — 25-46-45
Jizzaxda — 227-48-35
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 226-43-81
Nukusda — 222-77-21
Samarqandda — 35-02-55
Urganchda — 517-30-58
Farg`onada — 224-18-78
Denovda — 8-37641-23-780
MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
Navbatchi:
Erkin XOLBOBOYEV
Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar:
Sobirjon TUNG`ATOV, Zafar BAKIROV
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili:
Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.
Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 249
16312 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O`zA yakuni — 21.40
Topshirilgan vaqti — 23.00
2 3 4 5
Sotuvda erkin narxda

—Огоҳлик—

# Алданиб қолманг!

Бугунги кунда одам савдоси дунё ҳамжамиятини ташвишга солаётган муаммолардан бирига айланган. Бу иллатнинг олдини олиш учун давлатлар қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқмоқда.



Ўзбекистонда ҳам одам савдосининг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича кўплаб ишлар амалга оширилаяпти. Жумладан, 2008 йил 17 апрелда «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги қонун ҳамда Президентимизнинг «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Ушбу ҳужжатларда инсон шаъни, қадр-қиммати ва ҳуқуқлари олий қадрият экани, уни камситишга, хўрлашга ҳеч кимнинг ҳақи йўқлиги белгилаб қўйилган. Бироқ айрим фуқароларимизнинг қонунларимизни яхши билмаслиги ёки уларга амал қилмаслиги оқибатида нохуш ҳолатлар юзага келмоқда. Кўпчилик ҳозир ҳам чет элларда ишлаш учун ўзбошимча ёки бировнинг орқасидан эргашиб йўлга чиқади. Натижада турли муаммолар туғилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет эллардаги меҳнат фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқароларини чет элларда ишга жойлаштириш масалаларини ҳал этиш Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигига юклатилган. Мазкур қарор билан тасдиқланган Низомга кўра, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳукуматлараро, идоралараро шартномалар ва битимлар асосида фақат мазкур агентлик ва фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш бўйича минтақавий бюроларнинг кўмагида белгиланган тартибда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун чет элга чиқиш ҳуқуқига эгадир.

Ҳукумат қарорига мувофиқ фуқароларни чет элларга ишга юбориш ваколати бирон-бир юридик ва жисмоний шахсларга берилган эмас ва бундай ҳаракат қонун ҳужжатларига зид ҳисобланади.

Агентлик ўз фаолияти давомида қарийб 25 минг нафардан ортиқ фуқароларимизни чет элларда иш билан таъминлади. Ишга жойлаштириш билан бирга, уларнинг ижтимоий муҳофазаси бўйича ҳам фаолият юритди. Фуқароларнинг ноқонуний йўллар билан чет мамлакатларга чиқиб кетишлари ва одам савдоси қурбонига айланиб қолишларининг олдини олиш Агентликнинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Агентлик томонидан одам савдосига қарши курашиш бўйича ишлаб чиқилган чора-тадбирлар режасига асосан «Ишонч телефонлари» ҳамда мурожаатлар учун Интернет тармоғида расмий веб сайт жорий этилди. Бундан ташқари, республика оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда фуқароларимиз, айниқса, ёшларимизнинг меҳнат миграцияси қонунчилиги борасидаги бирламчи билимларини ошириш, уларни фирибгарларнинг тузоғига тушиб қолишларига йўл қўймаслик мақсадида туркум мақолалар чоп этилмоқда, радио эшиттиришлар, кўрсатувлар тайёрланмоқда. Шу билан бирга, одам савдосига қарши кураш мавзусидаги турли хил плакатлар, брошюралар ишлаб чиқилиб, жойларга тарқатилди. Лекин кўрилаётган чора-тадбирларни етарли, деб бўлмайди. Одам савдосига қарши барча ҳамкорликда иш олиб бориши яхши самара беради. Аввало, бу жиноятга олиб келувчи сабабларни бартараф этиш муҳим. Аҳолининг, айниқса, ёшларнинг бандлиги масаласига жойлардаги мутасадди ташкилотлар жиддий эътибор кўрсатиши талаб этилади. Аҳоли ўртасида олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишларида ўқув муассасалари ва маҳалла билан ҳамкорлик яхши самара беришини тажриба кўрсатмоқда.

**Зулфия НУРИМОВА,**
**Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигининг статистика ва ҳисобга олиш шўъбаси мудири.**

## Қинғир иш — келтирар ташвиш

Давлат рақами 11 AF 993 бўлган «Мерседес Бенс» русумли автобус Навоийдаги «Анор» йўл патрул хизмати постида тўхтатилганда ҳайдовчи Дилшод Султоновни ҳадик босди. Бу бежизга эмаслиги бирпасда аён бўлди: автобусда 223,5 литр спирт ҳеч бир ҳужжатсиз олиб кетилмоқда эди. «Маҳсулотнинг ҳужжатлари қани?» — деган саволга ҳайдовчи ер чизишдан бошқа жавоб топа олмади...

# Ҳужжатсиз 15 тонна спирт




Зарафшон шаҳар «Даугизтау» қўрғонида истиқомат қилувчи Дилором Искандарова ҳам яроқсиз спирт маҳсулотидан мўмай даромад олишни кўзлаган эди. У давлат рақами 20 Р 9862 бўлган йўловчи «Нексия» енгил машинасида 33 литр спиртни яширинча пуллаш мақсадида Ғиждувон-Зарафшон йўналиши бўйича кетаётганда йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари томонидан тўхтатиб қолинди.

Қизилтепа туманидаги «Тошработ» қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли «Маликработ» қишлоғилик Жуманазар Шариповнинг хурмача қилиғини алоҳида таъкидламоқ ўринлидир. Бу йигит бошқарувидаги «КамАЗ-5320» русумли, давлат рақами 11 В 4475 бўлган юк автомашинасида ҳамтовоғи, қизилтепалик Фарҳод Яндашев билан жами қиймати 52 миллион 925 минг сўм бўлган 15 тонна 877 литр спиртни Боймурод — Қизилтепа йўналиши бўйлаб олиб кетаётган бир пайтда ушланди. Агар ҳушёрлик қилинмаса 16 тоннага яқин сифатсиз спирт «қўлбола» ароққа айланиб, қайсидир бир ертўладаги «кичик ароқ заводча»да шиша идишларга қуйилиши, бежирим ёрлиқлар билан пардозланиши ва қанчадан-қанча одамларнинг соғлигига хавф солиши мумкин эди.

Дарҳақиқат, «Бузоқнинг югургани — сомонхонагача». Ноқонуний йўл билан жарақ-жарақ пул топаман, давлат орттираман, деганлар, шубҳасиз, хато қилади.

**Музаффар ШАРОПОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**